

ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўзиев Исломжон Нельматович

*Toшкент давлат иқтисодиёт университети “Аудит” кафедраси мудири,
и.ф.д., профессор*

Аннотация. Ушбу илмий тадқиқот ишида Пенсия жамғармасида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятлари баён қилинган. Жамғармани молиялаштириш ҳолати ва уларни ҳужжатлаштириш, маблағларни сарфлаш йўналишлари ҳисоби ўрганилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия, бухгалтерия ҳисоби, бюджет, бюджет ташкилоти, бюджет таснифи, бюджет ҳисоби, икки ёқлама ёзув, ҳисоб регистрлари.

Маълумки, Давлат мақсадли жамғармаларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Шунингдек, Жамғарма томонидан молиялаштириладиган маблағлар молиялаштириш манбасига кўра уч турга бўлинади:

- Пенсия жамғармаси маблағлари;
- республика бюджети маблағлари;
- автобензин учун компенсация маблағлари.

Жамғарма маблағлари, Республика бюджети маблағлари, шунингдек автобензин учун компенсация маблағларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида очилган шахсий газна ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Бу маблағларни ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисботнинг юритилиши устидан назорати эса қабул қилинадиган даврий ва йиллик ҳисботларни





кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда хатоликлар аниқланган ҳолатларда, жойлардаги ўрганишлар ва кузатишларни олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Жамғарма бюджети, Республика бюджети ва автобензин учун компенсация маблағлари ижроси бўйича Жамғарма бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлар бўлимида ҳисобга олинадиган барча операциялар қўйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

- пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг параметрлари;
- харажатлар сметаси;
- талабномалар;
- пенсия жамғармаси таркибий бўлинмалари шахсий ғазна ҳисобвақларига келиб тушган маблағлар тўғрисида маълумотнома (1 –сон шакл);
- фармойиш (2 –сон шакл);
- ортиқча ва нотўғри тўланган маблағларни қайтариш тўғрисида хуолоса;
- ғазначилик мемориал ордери (3 –сон шакл);
- тўлов топшириқномаси (4 –сон шакл);
- шахсий ғазна ҳисобварагидан кўчирмалар;
- тўловлар амалга оширилганлиги тўғрисида оралиқ далолатномалар;
- тўловлар амалга оширилганлиги тўғрисида якуний далолатномалар;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 12–моддаси “б”-“ж” бандларига асосан фуқароларга тайинланган пенсия бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотнома (5 –сон шакл);
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 14–моддасига асосан фуқароларга тайинланган пенсия бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотнома (6 –сон шакл);



- фуқароларга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли тайинланган ногиронлик пенсияси бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотнома (7 сон шакл);
- фуқароларга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун тўланган товон пуллари тўғрисида маълумотнома (8–сон шакл);
- Пенсия жамғармаси таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар бўлимига келиб тушган ҳужжатлар ҳисобга олинади ва 274–ЖМ, 274–РБМ, 274–АБМ–сон шаклдаги мемориал ордерлар билан расмийлаштирилади.

Пенсия жамғармасида операцияларнинг ҳисобини юритиш бўйича бюджет ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ қуидаги дафтарларда юритилади:

- “Бош журнал” дафтари (1–ПЖ–сон шакл);
- “Маблағлар ҳаракатини ҳисобга олиш” дафтари (2–ПЖ–сон шакл);
- “Ҳисоб –китоблар” дафтари (3–ПЖ–сон шакл);
- “Даромадлар ва тушумларни ҳисобга олиш” дафтари (4–ПЖ–сон шакл);

Пенсия жамғармаси бюджети, республика бюджети ва автобензин учун компенсация маблағлари ижроси бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар Жамғарма дастурий таъминотига киритиб борилади ҳамда “Бош журнал” дафтари ва бошқа бюджет ҳисоби регистрларида автоматлаштирилган тартибда ўсиб борувчи асосда шакллантирилади. Ойнинг охирида бюджет ҳисоби регистрларида ёзувлар тўғрилигини текшириш учун таҳлилий ҳисоб дафтарида кўрсатилган дебет ва кредит бўйича айланмалар йиғиндилари ва қолдиқлари “Бош журнал” дафтарининг синтетик ҳисобварақларида айланмалар йиғиндилари ва



қолдиқлари билан солиширилади. “Бош журнал” дафтаидаги ҳисобварап қолдиқлари суммалари Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида баланс тузиш учун асос бўлади. Пенсия жамғармаси бюджети, Республика бюджети ва Автобензин учун компенсация маблағлари ижро этилиши бўйича операцияларнинг бюджет ҳисоби касса усулига асосланган ҳисобвараплар режаси бўйича юритилади. Ҳисобвараплар деганда, NN– биринчи тартибли ҳисобвараплар (мисол учун 01, 02 ва бошқа ҳисобвараплар), NNN–иккинчи тартибли ҳисобвараплар (011, 021 ва бошқа ҳисобвараплар) групхлари тушунилади. Пенсия жамғармаси таркибий бўлинмаларининг бюджет ҳисоби юритилиши учун масъул бўлган ходимлари бюджет ҳисобини юритишда ва мемориал ордерларни расмийлаштиришда ҳисобвараплар шифрлари ва уларнинг корреспонденциясига амал қилишлари шарт ҳамда ҳисобвараплар режасига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритишга рухсат берилмайди. Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Пенсия жамғармасида бухгалтерия ҳисобини юритиш ўзига хос алоҳида хусусиятларидан бири ҳужжатлаштириш, яъни ҳар бир содир бўлган муомалани бюджет ҳисоби ҳужжатлари ва регистрларида қайд қилиб бориш бўлса, иккинчиси содир бўлган муомалани ҳисобвараплар режасига асосан бухгалтерия ўтказмаларида акс эттириш, учинчиси бюджет таснифи билан боғлаб ҳисоб юритиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ти Конуни. 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ–360–сон.
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўрикнома (2010 йил 22 декабрь, 2169–сон).
3. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий назорат: назария ва амалиёт. Монография–Т.:«Iqtisod–Moliya», 2023. –236 б.



**Ilim fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va
zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**

4. Kuliboyev A.Sh. Budget tashkilotlari jamg'armalari hisobi. Darslik–T.:«MAKON ZIYO NURI», 2024. –290 b.
5. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия хисоби: назария ва амалиёт. Монография. –Т.: “Iqtisod–moliya”, 2016. –136 б.
6. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O‘quv qo‘llanma.– Т.: «Iqtisod–Moliya», 2018. –318 b.